КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ▲ № 127 (8867). ● 28 июнь, 1986 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.


# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 26 июнда бўлиб ўтган мажлисида КПСС XXVII съезди қарорлари асосида раҳбар кадрларнинг партиявий-сиёсий ўқувини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Партиявий-сиёсий ўқувни жиддий равишда такомиллаштириш, партия аппаратининг барча бўғинлари учун кадрлар резервини вужудга келтиришда унинг ролини ошириш зарурлиги таъкидланди. Совет халқи партиянинг янги программавий ҳужжатларида ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишга киришган, бутун сиёсий, мафкуравий ва ташкилий ишни қайта қуриш зарур бўлган бир пайтда партия, совет, идеология кадрларини оммавий тарзда ва амалий равишда ғоявий-назарий жиҳатдан қайта қуроллантириш партия комитетларининг, олий партия ўқув юртларининг энг муҳим ишидир. Олий партия ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни кўпчилик партия ходимларининг профессионал партиявий-сиёсий таълим олишини таъминлайдиган кўламда кўпайтириш вазифаси қўйилди. Кадрлар тайёрлашнинг, олий партия ўқув юртларини ривожлантиришнинг истиқбол планларини ишлаб чиқиш хусусида тегишли топшириқлар берилди.

Олий партия мактабларида тингловчиларни икки-уч ва тўрт йиллик бўлимларда ўқитиш кенгайтирилмоқда. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясида олий илмий малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш учун қўшимча имкониятлар яратилмоқда. Аспирантлар ва тингловчиларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлашга нисбатан талаблар кучайтирилмоқда. Партия, совет, идеология ташкилотларининг иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришга академия билан олий партия мактабларининг ролини ошириш тадбирлари комплекси ишлаб чиқилди.

Сиёсий бюро машинасозлик ва металл ишлаш министрликларининг металлургия ишлаб чиқариши ходимларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида ҳукумат киритган таклифни маъқуллади. Қора ва рангли металлургия корхоналарининг меҳнаткашлари каби уларга ҳақ тўланадиган ҳар йилги қўшимча отпускалар белгиланади, қарилик пенсияларини оширилган максимал миқдорда олиш ҳуқуқи берилади.

Ўртоқ М. С. Горбачев Ҳиндистон ташқи ишлар ва савдо министри П. Шив Шанкар билан учрашув ҳақида ахборот берди. Сиёсий бюро СССР билан Ҳиндистон ўртасида узлуксиз ривожланиб бораётган анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларидан чуқур мамнуният изҳор этди, Совет-Ҳиндистон ўзаро алоқалари халқаро муносабатларнинг тобора йирик амалий омили бўлиб қолаётганини таъкидлади. Қўшилмаслик ҳаракатининг дунё ишларидаги ролига, шунингдек «Деҳли олтилиги»нинг ядро уруши хавфига қарши, қуролсизланиш учун курашдаги куч-ғайратларига юқори баҳо берилди.

Сиёсий бюро Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирлари ҳамда қуролсизланишга бағишланган конференциядаги совет делегациясининг бошлиғи О. А. Гриневскийнинг ахборотини тинглади. Делегацияга шу муҳим халқаро анжуманнинг ҳамжиҳатлик асосида натижали туғалланиши учун актив ҳаракат қилиш ҳақида кўрсатмалар берилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси иқтисодий ва маданий қурилишнинг, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсий фаолиятни амалга оширишнинг бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқди.

## В. И. ЛЕНИН, КПСС СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИК ҲАҚИДА

«В. И. Ленин, КПСС социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тўғрисида» тўплами босилиб чиқди. Китоб икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда В. И. Лениннинг социалистик қонунчилик моҳиятини, асосий белгиларини ва аҳамиятини, унинг буржуа қонунларидан туб фарқларини тушунтириб берадиган мақолалари, докладлари, нутқлари, хатлари босилган. Иккинчи бўлимга КПСС съездлари ва конференцияларининг коммунистик қурилиш турли босқичларида қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботнинг ролини, партия, давлат ва жамоат органларининг совет қонунчилигини мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифаларини белгилаб берадиган ҳужжатлари ва материаллари, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатлари киритилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

## ВИЖДОН АМРИ БИЛАН

**Чернобиль АЭСидаги авария, зарарланган районлар зонасида бўлган одамларнинг тақдири республика меҳнаткашларидан ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Украинага ўзбекистонликларнинг ҳамдардлик сўзлари ёзилган телеграммалари, хатлари бормоқда, уларни сидқидилдан меҳмон бўлиб келишга таклиф этишмоқда.**

**Мана шу диққат-эътиборлар, юртдошларимизнинг чернобилликлар ҳисобига икки баравар ғайрат билан ишлаяжаклари тўғрисида берган ваъдалари авария оқибатларини тугатаётган кишиларга қилинаётган бебаҳо мададдир.**

### «ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ»

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг студентлар отряди Киевга учиб кетди. Асосан механика факультетининг студентларидан иборат 50 йигит Киев область Макаров районида Чернобиль АЭСидаги авариядан жабрланган оилалар учун коттежлар қуришда ишлайди.

— Отрядга юксак ишонч кўрсатилганлигини биламиз, — деди унинг командири В. Сарапин. — Украина ССР Госагропроми «Херсонградострой» бирлашмаси билан тузилган шартномага кўра, биз 70 минг сўмлик иш бажаришимиз керак. Йигитларнинг кайфиятлари жанговар. Ишончни оқлаймиз.

Самарқанд давлат университетининг студентлар отрядлари бундан бир кун аввал Украина пойтахтига етиб келганди. Самарқандликларнинг вазифалари ҳам тошкентлик студентларникига ўхшашдир. Отрядлар ўртасида социалистик мусобақа тўғрисида шартнома тузилди. Студентлар иш ҳақларининг бир қисмини 904-счётга ўтказадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

## ТАШАББУСКОРЛИК, ҚАТЪИЯТ, ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумида қайд этиб ўтилганидек, омманинг ортиб бораётган активлиги, халқ ижодкорлиги — жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи кучидир. Партия Марказий Комитети меҳнаткашларни социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишга, дадил планлар ва режаларни амалий ҳаракатларда рўёбга чиқаришга даъват этди. Халқ контроли органлари партия маъқуллаган ҳамда СССР Олий Совети қабул қилган кенг миқёсли ва ғоят аниқ планларни ҳал этишда ўз ролини белгилаб олишлари лозим. Республика меҳнат коллективлари вакилларининг халқ контроли комитетлари, группалари ҳамда постларининг ҳисоботлари ва сайловларига бағишланган конференцияларида ва йиғилишларида ана шулар ҳақида гапирилади.

В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатида шундай конференция бўлиб ўтди. Комбинат халқ контроли комитети раиси А. А. Авдеев докладида, «Қалмоққир» руда кони партия комитети секретари А. М. Муротовнинг, мис эритиш заводи аппаратчиси Т. Н. Витюгованинг, рух заводи бош энергетиги ўринбосари, халқ контроли бош группаси раиси В. А. Деревянконинг, комбинат комсомол комитети секретари Б. Абдураимовнинг, мис бойитиш фабрикаси слесари В. П. Казурикнинг, Олтинтопган руда кони бошқармаси бурғуловчиси Н. Р. Еломовнинг, комбинат директори В. Н. Сигединнинг нутқларида оммавий, доимо ишловчи, самарали ва ошкора контролни ташкил этишнинг ленинча принциплари ҳамма жойда ва оғишмай амалга оширилиши муҳимлиги қайд этиб ўтилди. Конференция қатнашчилари бажарилган ишларга амалий равишда, принципиал ва қатъий баҳо бердилар, биринчи йил ва умуман беш йиллик планларини аниқладилар, халқ контролёрларининг КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини белгиладилар.

Социалистик мулк сақланишини таъминлаш масалалари, хўжасизлик ва исрофгарчиликка, бюрократизм ва расмиятчиликка, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка қарши, хўжалик юритишнинг барча соҳаларида тартибни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш учун кураш доимо назоратчиларнинг диққат марказида туриши керак. Иш вақтининг зое кетишига, прогулларга қарши курашни кучайтириш жуда муҳимдир.

Владимир Ильич Ленин меҳнаткашларнинг кўпчилиги ҳисоб-китоб ва контролни мустақил равишда, ҳар куни, ҳар томонлама амалга ошира бошлаганида, контроль ҳақиқатан ҳам универсал, ялпи, умумхалқ контроли бўлиб қолганида ундан сира ҳам бўйин товлаш мумкин бўлмай қолишини таъкидлаган эди. Ундан асло қутулиб бўлмайди. Лениннинг мана шу кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш керак, деб таъкидлашди нотиқлар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров иштирок этдилар.

Конференцияда Олмалиқ кон-металлургия комбинати халқ контроли комитетининг янги состави сайланди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА КОМСОМОЛЛАР СЕМИНАР-ПРАКТИКУМИ

## БЎШ ВАҚТ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

27—29 июнь кунлари Тошкент областида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ўтказишни уюштириш юзасидан ВЛКСМ Марказий Комитетининг зонал семинар-практикуми ўтказилмоқда. Семинарда ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетлари ҳамда область комсомол комитетларининг секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари иштирок этмоқдалар.

Семинар-практикум қатнашчилари Киров, Коммунистик, Куйбишев, Ленин, Октябрь, Собир Раҳимов, Сергели, Фрунзе, Чилонзор районларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни уюштириш юзасидан тўпланган тажрибалар билан танишадилар.

## ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА



**▲ ҒАЛАБА районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг Ҳасан Муслимов бошчилик қилаётган озуқачилик бригадаси деҳқонлари бу йил 154 гектар бедазорининг ҳар гектаридан 180 центнердан ошириб озуқа тайёрлашга сўз беришган. Суратларда: (чапдан) бригаданинг илғор механизатори Азим Бегматов; ўрим техникаси далада; бригада етакчиси Ҳасан Муслимов.**

**А. Зуфаров** фотолари.





## УЧИНЧИ ЎРИМ БОШЛАНДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Ленин номли колхозда беданинг учинчи ўрими бошланди. Я. Воҳидов бошчилигидаги илғор бригада яна энг яхши натижаларга эришмоқда. Бу бригада далаларида беда ҳосили мўл бўляпти. Ҳар гектар ердан 35 центнергача пичан тайёрланмоқда. Ем-хашак етиштиришни интенсивлаш муваффақият гарови бўлди. Беда ўриб олиниши билан сувчилар иш бошлайди. Экин озиқлантирилиб ола жойларига қайта экилади. Бу эса беда ўрими оралиғини қисқартириш имконини бермоқда.

Хўжалик деҳқонлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан минг тонна кўп беда пичанини ғарам қилиб қўйдилар. Колхознинг барча ем-хашак етиштирувчи бригадалари бу йил бедани камида олти марта ўриб олишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

## АВВАЛГИ ШУҲРАТ ҚАНИ?

### Чўпон ота ферма кезади

Тадбиркорлик ҳам санъат. Ўтган куни Пискентга боргандим. Райондаги Охунбобоев номли колхоз озуқакорларининг амалга ошираётган ишлари билан танишдим. Зўр меҳнат қилишяпти. Кўриб кўзинг қувонади. Бу ерда шу кунгача қишловга ем-хашак тайёрлаш йиллик планининг учдан икки қисми бажарилибди. Яшавор, азаматлар. Мана шундай ишлаш керак-да. Аммо шу райондаги «Гулистон» колхозида бўлганимда бутунлай бошқа манзарани кўрдим.

Бир вақтлар бу колхоз ҳам областда илғор хўжаликлардан ҳисобланарди. Кейинги пайтларда колхоз номи негадир қулоққа камроқ чалинадиган бўлиб қолди. Нима бўлди экан, бир бориб кўрайчи, дея ўша томонга йўл олдим. Бу ерда рўй берган ҳодисаларни эшитиб ёқамни ушлаб қолдим. Яхшиси, мен айтмай, сиз эшитманг. Биласизми, хўжаликда озуқачилик билан шуғулланадиган алоҳида бригада йўқ экан. 265 гектар беда, 150 гектар дон учун, 105 гектар силос учун маккажўхори, 20 гектар хашаки лавлаги экилган майдонлар парча-парча қилиб 13 та пахтачилик бригадасига бўлиб берилибди.

Энди буёғини эшитинг. Шу кунгача колхозда бор-йўғи 373 тонна ем-хашак тайёрланибди, холос. Бу ўтган йили шу пайтдаги кўрсаткичдан 106 тонна кам экан. Ёки йиллик план 18 процентгагина уддаланибди. Йўғе, бунчалик бўлмаса керак-ов, ўзим экин майдонларини бир кўриб келайчи, дея далага отландим. Бригадама-бригада юриб айландим. Ҳа, ростдан ҳам бу ерда аҳвол чатоқ. Мавжуд беда майдонларининг биринчи ўримида гектаридан атиги 15 центнерга етар-етмас озуқа йиғиштириб олинибди. 1-, 10-, 11-, 12-, 13-бригадаларга бириктирилган бедазорнинг 90 гектари сувсизликдан қовжираб қолибди. Иккинчи ўримда бу майдонлардан бир грамм ҳам озуқа олишолмабди. Нега дейсизми? Бедазорларга ажратилган сув ҳам пахтага ҳайдалган-да. Оқибатда чорва озуқаси бой берилган. Қишловга сенаж тайёрлаш эса ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмабди. Воажаб, шунчалик ҳам бепарволик бўладими?

— Қир зоналарда жойлашган бригадалар экин майдонларига насослар ёрдамида сув чиқариб берилади,— деди 13-бригада бошлиғи М. Ҳайдаров.— Афсуски, ўрнатилган 5 та насосдан атиги 3 таси ишлайди. У ҳам бўлса мунтазам эмас. Ҳар куни бир неча соатлаб электр токи бўлмайди. Натижада бизга ажратилган сув бошқа хўжаликларга ўтиб кетади. Биз эса қуруқ қолаверамиз. Вазиятни яхшилаш учун, аввало, электр тармоқлари ва насос станциялари ишини йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман.

...Далада аҳвол шу бўлса хўжалик қорамолларининг ҳоли нима кечдийкин, деган фикр хаёлимдан ўтди. Ферма томон йўл олдим. Дарвозага «карантин» деб ёзилган тахтачани осиб қўйишибди.

— Сигирларга касал юқтирасиз, отахон, мумкин эмас,— деди қоровул қовоғини очмасдан.

Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур деганлар ота-боболаримиз. Бу ерда ҳам бирор сир борки мени ичкари киритишмаяпти.

— Ҳой, барака топкур, ҳеч бўлмаса бошлиқларингдан бирортасини чақириб бергин. Икки оғиз гаплашиб кетай,— десам қоровул нима дейди денг:

— Зоотехник йўқ. Ишни эплолмагани учун вазифасидан озод қилинган. Ферма мудири янгитдан тайинланди. Ҳали ўзи ҳам ишни нимадан бошлашни билолмай боши гаранг. Аҳвол чатоқ.

— Нима бўлди,— тушунтириброқ гапирсангчи бўтам.

— Касаллик тарқалган. Фақат июнь ойининг ўзида 12 бош зотли говмуш гўштга топширилди. Энди тушундингизми. Қолганини идорадан билиб оласиз,— деди.

Ростанам у ёғини хўжалик раҳбарларидан сўраб олдим. Йил бошидан буён 295 бош қорамол гўштга айланибди. Шундан 116 боши соғин сигирлар экан. Эсиз-эсиз, кўп ачиндим. Кейин билсам бу ерда зоотехника-ветеринария қоидаларига мутлақо амал қилинмаган экан. Ем-хашак танқислиги туфайли қорамолларни рацион асосида озиқлантириш тартиби тез-тез бузилибди. Молхоналар, яйратиш майдонлари вақтида тозаланмабди. Емишдан қантарилган, лой кечиб, заҳда юрган қорамоллар аста-секин касалликка чалинибди. Шундай бўлгандан сўнг сут етиштириш қай аҳволда эканлигини ўзингиз сезаётгандирсиз.

Ўтган йили айни дамларда сигирлар кунига 1600 килограммдан зиёд сут берган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1000 килограммга базўр етяпти.

...Тўғри, хўжалик кадрлар билан мустаҳкамланаяпти. Колхоз партия ташкилоти хўжаликдаги вазиятни соғломлаштириш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқди. Шу кунларда йўл, ариқ ва зовур ёқаларидаги қамиш, бегона ўтларни йиғиштириб олиш йўлга қўйилди.

Талабчанликни ошириб, озуқа жамғаришда ички имконият ва резервларини қидириб топиш, ишчи кучидан, техникадан унумли фойдаланишни назорат қилиб бориш хўжалик партия ташкилотининг биринчи галдаги вазифасидир. Ана шундагина аввалги шуҳратни тиклашга кенг йўл очилади.

**Чўпон отанинг котиби:**

**И. ТОШЕВ.**

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

26 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг бюро мажлиси бўлди. Унда КПСС XXVII съезди талаблари асосида контроль қилиш ва ижрони текширишнинг таъсирчанлигини кучайтириш юзасидан Чиноз район партия комитетининг иши кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорда таъкидланишича, район партия комитети бу йўналишда муайян иш олиб бормоқда. Партия комитетларининг пленумлари, бюро мажлисларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида контроль масалалари тез-тез кўриладиган бўлиб қолинди, топширилган иш соҳасидаги аҳволни яхшилаш, қарорларнинг бажарилиши қандай бораётганлиги юзасидан хўжалик раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ҳисоботлари эшитиб турилибди.

Шу билан бирга район партия комитети, унинг бюроси, секретарлари ўз иш услуб ва методларини ниҳоятда суст қайта қурмоқдалар, контроль ва ижрони текшириш аввалгидек улар фаолиятида заиф жой бўлиб турипти, контролнинг пухта системаси йўқ.

Қарорларнинг бажарилишини контроль қилиш кўпинча ёзма ахборотлар талаб қилиш билан амалга оширилмоқда, район партия комитетининг секретарлари, бўлим мудирлари, инструкторлари меҳнат коллективларида ҳақиқий аҳволни камдан-кам текширадилар. Текширишлар чоғида ҳамма вақт ҳам уларнинг таъсирчанлигига эришилмайди, мавжуд камчиликларнинг сабаблари очиб ташланмайди, кадрларнинг ижро интизомига қатъий риоя қилиши учун етарли талабчанлик кўрсатилмайди, салбий ҳолатларга кескин партиявий баҳо берилмайди.

Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ижрони ташкил этишда силжиш бўлгани йўқ. Коммунистлар илгари қабул қилинган қарорлар, тадбирлар, танқидий мулоҳаза ва таклифлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида камдан-кам хабардор қилиб турилибди. Қарорларни бажариш ва меҳнат коллективларида камчиликларни тугатиш юзасидан ташкилотчилик ишида маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияларидан етарли фойдаланилмаяпти, бу комиссиялар кўраётган тадбирлар ҳамма вақт ҳам самарали бўлмаяпти, кўпгина комиссиялар ишламаяпти.

Партия қарорларини, ўз қарорларини контроль қилиш ва бажариш соҳасида маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ контроли группалари ва постларининг фаолиятида жиддий камчиликлар бор. Уларнинг контроль иши район партия комитети томонидан суст координация қилиб борилади, текширишларни айнан такрорлаш ҳоллари бартараф қилинмаган.

Таъсирчан контроль ва ижрони текшириш йўқлиги, хотиржамлик ва эришилган натижаларни баҳолашга танқидий ёндашмаслик, жойларда ишнинг аҳволи учун кадрларга нисбатан етарли талабчанлик қилмаслик, партия қарорлари ва ўз қарорларини бажариш юзасидан ташкилий ишнинг сустлиги районнинг социал-иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Область партия комитети партия XXVII съезди қарорларига мувофиқ контроль ва ижрони текшириш юзасидан ташкилотчилик ишини яхшилаш, бунинг пухта системасини вужудга келтириш, бу ишларнинг форма ва методларини мунтазам такомиллаштириб боришни Чиноз район партия комитети зиммасига юклади.

Область партия комитетининг бюро мажлисида КПСС XXVII съезди талабларига мувофиқ фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш асосида коллективларни юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқаришга сафарбар қилиш юзасидан область тикувчилик саноати корхоналари партия ташкилотларининг иши тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидланадики, бу корхоналарнинг партия ташкилотлари фан-техника тараққиёти, тармоққа меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг прогрессив формаларини жорий этиш масалаларига кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар, иш самарадорлиги ва сифати учун мансабдор шахслардан талаб бир мунча кучайди. Ўн биринчи беш йилликда тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми беш йиллик топшириғидаги 17,1 процент ўрнига 19 процентга ошди, унинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Моделларнинг тури ярмига янгиланди, «Н» индексли кийимлар билан савдо қилиш ва шартнома баҳоларида реализация қилиш кенгайди.

Шу билан бирга область тикувчилик корхоналари партия ташкилотларининг буюмлар сифати ва турини тубдан яхшилашга меҳнаткашларни сафарбар этиш юзасидан иши КПСС XXVII съезди қарорлари қўяётган талабларга жавоб бермайди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси (ўртоқ Федорова), Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли (ўртоқ Саидаҳмедова), «Красная заря» (ўртоқ Парфирова) бирлашмалари, бош кийимлар фабрикаси (ўртоқ Муҳаммаджонова), Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси (ўртоқ Емченко) партия комитетлари ва бюролари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан етарли иш олиб бормаётганлиги таъкидланди. Улар олдида турган вазифаларни бажаришга янгича ёндашиш борасида ҳали ҳам актив позицияни эгаллаганлари йўқ, тайёрланаётган маҳсулотнинг техник даражасини ошириш юзасидан кескин кураш олиб бормаяптилар. Уларнинг бу соҳада амалга ошираётган тадбирлари конкрет эмас, меҳнат коллективларини юксак пировард натижаларга рағбатлантирмайди. Технология интизомини мустаҳкамлаш ва давлат стандартларига риоя қилишда айниқса цех партия ташкилотларининг сафарбарлик роли оз.

Область партия комитети корхоналарнинг партия комитетлари ва бюроларини партиянинг ҳозирги талабларидан 1986—2000 йилларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларини ривожлантиришнинг комплекс программаси талабларидан келиб чиқиб, меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтиришларини, коллективлар кучини ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга йўналтиришни талаб қилди. Бу ишларнинг ҳаммаси буюмлар номенклатурасининг жадал янгиланиши, пишиқ-пухта, тежамли бўлиши, сифати тубдан яхшиланган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлаб олиб борилиши керак.

Область партия комитетининг бюро мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

